O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил
22 сентябрь
ЧОРШАНБА
№ 75
(12.295)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | **Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси** | www.th.uz

## ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ПАН ГИ МУН УЧРАШУВИ

*НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди.**

Музокара аввалида мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

– БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларига эътибори кучайиб бормоқда, – деди Ислом Каримов. – Ташкилотнинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан БМТ ҳузуридаги Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Болалар жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби тузилмалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани ва бу ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ билан кўплаб соҳаларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзаро муносабатлар кун тартибидан хавфсизлик, экология, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби масалалардан ташқари БМТни ислоҳ қилиш, жумладан, унинг органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон БМТнинг мамлакатимиздаги тузилмаларини ягона ваколатхонага бирлаштириш таклифини илгари сурмоқда. Бу Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш, ушбу ташкилот тузилмаларининг мамлакатимиздаги саъй-ҳаракатларини янада самарали мувофиқлаштириш имконини берган бўлур эди.

Учрашувда Пан Ги Мун БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "General Motors" корпорацияси раисининг ўринбосари Томас Стивенсни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати жадал ривожланаётган соҳалардан бири эканини таъкидлаб, бунда "General Motors" билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини, бугунги учрашув ўзаро алоқаларга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, "General Motors" мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига кириб келганидан кейин ўтган қисқа даврда Асакадаги заводда бир неча янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади. Илгари унинг конвейерларидан Damas, Matiz ва Nexia чиққан бўлса, эндиликда улар қаторига Lacetti, Captiva, Epica ва Tacuma русумли автомобиллар қўшилди. Жорий йилнинг август ойидан эса Spark русумли янги автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Завод йилига 50 минг дона шундай автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг салкам ярмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

"General Motors" билан ҳамкорлик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишни ҳам қамраб олади. Шу тариқа Ўзбекистон автосаноати "General Motors"нинг глобал тармоғидаги муҳим бўғинга айланиб, автомобилсоз давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамламоқда. "General Motors" билан ҳамкорлик хориждан Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги янги лойиҳалар, хусусан, маҳаллийлаштиришга оид дастурлар учун сармоя жалб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда Томас Стивенс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, "General Motors" Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Sikorsky Aircraft" компанияси президенти Жеффри Пинони қабул қилди.**

Ушбу компания самолётсозликнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд вертолётларнинг 90 фоизи шу компаниянинг дастлабки модели асосида ишлаб чиқарилади.

"Sikorsky Aircraft"нинг вертолётлари енгиллиги, кўп вазифаларни бажара олиш қобилияти, парвоз имкониятлари ва юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ушбу компанияда ишлаб чиқарилган техника кўтариладиган юк вазни, тезлик ва бошқарувнинг нисбатан қулайлиги билан халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. "Sikorsky Aircraft" маҳсулот ишлаб чиқариш ва халқаро буюртмалар борасида етакчи компания саналади. Кўплаб давлатларнинг тез ёрдам, қутқариш ва қидириш хизматлари шу компания техникасидан фойдаланади.

Учрашувда Ж. Пино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, "Sikorsky Aircraft" Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Honeywell" корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коутни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШнинг йирик корпорациялари ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этиб, "Honeywell" билан шериклик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида ушбу корпорация учун янги бозорлар сари робита бўлиши мумкин. Айни пайтда унинг техника ва технологияларини, сармоясини жалб этиш орқали Ўзбекистонда саноатнинг янги илғор турларини ўзлаштириш имконини беради.

"Honeywell" кўп тармоқли саноат-технология корпорацияси бўлиб, дунёнинг етакчи юзта компанияси сафида туради. У аэрокосмик техника, маъмурий, саноат ва турар-жой биноларини бошқариш технологиялари, автомобилсозлик техникаси, турбокомпрессорлар ва кўплаб турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Самолёт двигателлари ва парвозни бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари, буғ қозон, совутиш ускуналари, сув таъминоти тармоқлари, термостат, контроллер каби саноат ва кўплаб маиший техника воситалари мана шу корпорация томонидан ёки унинг технологиялари асосида ишлаб чиқарилади.

Корпорация фаолиятининг кўлами жуда катта. Кўплаб мамлакатлардаги йирик нефтни қайта ишлаш заводлари "Honeywell"нинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлайди. Йирик музей, галерея ва театр биноларида, парламент бинолари ва ҳукумат уйларида "Honeywell"нинг хавфсизлик тизимлари ўрнатилган. Корпорация хизматлари ва маҳсулотларининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилади. "Honeywell" "маҳсулотлар диапозони энг катта бўлган компания" мақомини ҳам олган.

Биргина автомобилсозлик саноати мисолида оладиган бўлсак, "Honeywell" билан ҳамкорлик турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва жадаллаштириш, автомобилларда ёқилғи тежамкорлигини ошириш, фильтрлар, свечалар, антифризларнинг яроқлилик муддатини узайтириш имконини беради.

Учрашувда Дэвид Коут Ўзбекистон юксак интеллектуал салоҳиятга, бой ишлаб чиқариш ресурсларига эга давлат эканини, "Honeywell" раҳбарияти мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболига қатъий ишонч билан қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида "Honeywell" билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари, қўшма сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби икки томонлама фойдали бўладиган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

«ПАХТА – 2010»



## ДЕҲҚОН МЕҲНАТИ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

**Айни кунларда вилоятимизнинг қайси пахтакор туманига борманг, далалардаги қизғин йиғим-терим жараёни устидан чиқасиз.**

Далалардаги оппоқ пахталарга ҳавасингиз келади, улар деҳқонларнинг кечаю кундуз қилган меҳнатлари ҳамда чеккан заҳматлари самараси. Ҳар бир чаноқдаги пахта: "Мени тезроқ териб ол, эрта-индин қор-ёмғирга қолиб кетмай", дея огоҳлантираётгандай.

Ҳеч бир пахтакор қилган меҳнатлари самарасини ерда қолдирмайди, давлатга пахта сотиш шартномасини бажариб, юзим ёруғ бўлсин дейди. Бекобод туманидаги "Эркиной Рухсора" фермер хўжалиги биринчилардан бўлиб шартнома шартларини 5 иш кунида бажарди.

– Терим мавсумининг энг муҳим талаби – вақтнинг қадрига етиш, – дейди хўжалик раҳбари Собит Тошбоев. – Фермернинг ҳозирги асосий вазифаси бор ҳосилни тезу соз териб олиш. Бунинг учун янгилик кашф қилишнинг ҳожати йўқ, ҳамма имконият бор, фақат ҳафсала, иштиёқ бўлса бас. Биз терим даврида тартиб-интизом масаласига эътиборни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирамиз. Терим иштирокчилари кун бўйи далада бўлишлари, вақтида ишлаб, вақтида бироз ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз. Чой, иссиқ овқат масаласида муаммо бўлмайди. Иккинчидан, пахтани тоза териш ҳам мавсумнинг энг асосий шартларидан бири. Бирчаноқ қилиб ва пахтани ерга тўкиб териш – ҳосилнинг заволи. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, тайёр пахтанинг 5-10 фоизи бой берилади. Биз шуларни эътиборга олиб, теримда ҳушёрликни бўшаштирмаганимиз учун ишимиз унумли бўлиб, шартномамизни қисқа вақтда бажардик.

**СУРАТДА:** фермер Собит Тошбоев.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Таҳририятимизга вилоят пахта штабидан давлатга пахта сотиш шартномасини бажараётган фермерлар ҳақида деярли ҳар куни хушхабарлар келиб турибди. Шартномаларини бажарган фермерлар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Газетанинг ўтган сонида 6 та фермер хўжалиги давлатга пахта сотиш шартномасини қисқа муддатда бажаргани ҳақида хабар берилганди. Энди Оққўрғон туманидан бирваракайига 7 та фермер хўжалиги шартнома режасини бажарди. **"Чашма"**, **"Найман"**, **"К. Темирбоев"**, **"Бек-Жаҳонгир-Агро"**, **"Азизбек"**, **"Фазлиддин Омонов"** ҳамда **"Муқаддас"** фермер хўжаликлари аъзоларига бугун туман пахтакорлари ҳавас билан қарашаяпти. Бекободлик **"Бердибоев Яхшибой"**, **"Нарзулло Омад Файз"** ҳамда **"Алиматов Абдулло"** фермер хўжаликлари шартномаларини нафақат қисқа муддатда, балки ортиғи билан бажаришгани қувонарли. **"Ҳасанбой"** ва **"Уста Панжи Хониса"** фермер хўжалиги раҳбарлари бўкаликлар пахта етиштиришда, хирмон уюшда илғор эканликларини исботлашди. Қуйичирчиқ туманидан **"Бекбоев Армон"**, **"Чорвадор"** ва **"Барот ота"** хўжаликлари ҳам яхшигина тажрибага эга эканликларини кўрсатишди.

**"Маматкарим Дилшоджон"** (Ўртачирчиқ), **"Султон баёз"**, **"Хўжамқулов Адҳам"** (Чиноз), **"Ендибой ота"**, **"Абдумажид бобо"**, **"Нурмат ота тадбиркор"** (Юқоричирчиқ) каби фермер хўжаликларининг ҳам бугун юзлари ёруғ. Уларнинг ҳар бири вилоятимиз пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

### ИФТИХОР

## ИНВЕСТИЦИЯ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Шу йилнинг ўтган саккиз ойи давомида вилоятимизда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари 99 тага кўпайди.**



Маҳаллий ва хорижлик ишбилармонлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар туфайли мазкур корхоналарни ташкил этиш учун жами 10,5 миллион АҚШ доллари ва 38 миллиард сўмлик инвестициялар жалб этилди.

Эътиборли жиҳати шуки, биргина шу корхоналарнинг ўзида 1515 та муқим янги иш ўринлари вужудга келди.

## ЯНГИ ИЛМ МАСКАНИ

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Сойлиқ" қишлоқ фуқаролар йиғинида қад ростлаган яна бир замонавий иншоот – 435 ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.**

Замонавий лойиҳа асосида қурилган уч қаватли мазкур туризм ва сервис касб-ҳунар коллежи катта спорт зали, маданий-маиший комплексга эга. Бу ерда янги ўқув йилидан 181 нафар ўқувчи касб-ҳунар сирларини ўргана бошлади.

– Юртбошимизнинг катта ғамхўрлиги туфайли ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларга билим бериш ва касб ўргатишга улкан эътибор қаратилмоқда, – дейди коллеж директори Шоира Худойберганова. – Яратилган ана шу шароитлардан самарали фойдаланиш, фарзандларимизни замон талаблари асосида ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш биз, педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Бундай замонавий коллежнинг бунёд этилиши бизни янада кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишга ундайди.

Коллежда жорий йилда ўқувчилар олти йўналиш – туризм ва сервис, маиший хизмат, молия, автотранспорт, меҳмонхона хизмати, компьютер саводхонлиги бўйича таълим-тарбия олмоқда. Ўқув жараёнини белгиланган стандартлар асосида ташкил этиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасидан олинган маълумотга кўра, айни пайтда вилоятда 125 касб-ҳунар коллежи ва академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Мазкур таълим даргоҳларида 117 мингдан ортиқ ўқувчи 124 йўналиш бўйича таълим-тарбия олаётир.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

**Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти**

### ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Тошкент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ва кўзи ожизлар жамияти ҳамкорлигида "Истиқлолинг муборак, азиз Ватаним!" мавзусида тадбир ўтказилди.**

Тадбирда жамиятнинг фаол аъзолари фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланишди. Иштирокчилар учун дастурхон безалиб, концерт дастури намойиш этилди.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

### ОЗОН КИМНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ?

**Паркент туманидаги "Қуёш физикаси" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни муносабати билан "Озон.uz" медиафоруми ўтказилди.**

Республика Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган марафонда озон қатламини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган "Қуёш" объектига экскурсия, яъни ноёб гелийли печлар ёрдамида қуёш энергияси кучидан фойдаланиш ишлари намойиш этилди.

**"Туркистон-пресс".**

### САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ

**Республика миқёсида ташкил этилган тадбир доирасида Ангрен шаҳрида ҳам "Саломатлик ҳафталиги" ўтказилмоқда.**

Сентябрь ойининг 20-25-кунлари давомида 7 та поликлиникада пойтахтдан келган деярли барча тиббий соҳа мутахассислари 15-49 ёшли аёллар ҳамда ўсмирларни малакали тиббий кўрикдан ўтказишмоқда. Ҳафта давомида 3000 кишини текширувдан ўтказиш режалаштирилган. Аниқланган беморларга пойтахт шифохоналари ҳамда сиҳатгоҳларда даволаниш учун йўлланмалар берилади.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

### 67 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИМТИЁЗ

**Бугунги кунда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида 250 дан зиёд халқ амалий санъати усталари фаолият кўрсатишяпти.**

Қонун билан белгиланган имтиёзлар халқ ҳунармандчилиги ривожига самарали таъсир кўрсатаётир. Чунончи, фақат даромад солиғи ҳисобидан 67 миллион сўм маблағ улар ихтиёрида қолдирилмоқда. Бу ҳунармандчилик доирасини кенгайтириб, янги иш ўринлари очиш имконини бераяпти.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

ФАРМОН ВА ИЖРО

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Германиянинг "Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш" техник ҳамкорлик дастури ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистон Бизнес-форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда "Кайдзен" (Тежамкор) ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий услубларини жорий қилиш натижаларини тақдим этди.**

# ТЕЖАМЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАЛАРИ

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, кам маблағ сарфлаган ҳолда маҳсулот таннархини камайтириш орқали уларни ички ва ташқи бозорда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони бу борадаги вазифаларни бажаришда муҳим омил бўлмоқда.

"Кайдзен" ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий услублари дастури ишлаб чиқаришда вақт, маблағ, материаллар сарфини қисқартириш, товар ва хизматлар сифатини ошириш, харажатларни камайтиришга қаратилган.

– Биз яқинда тежамкор ишлаб чиқариш тизимини жорий этдик ва дастлабки натижаларни қўлга киритдик, – дейди "Keng Makon" мебель ишлаб чиқариш фабрикасининг цех бошлиғи Аҳмаджон Мирзаев. – Ушбу тизимдан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнини 30 фоизга ва сарфланадиган харажатларни икки бараварга камайтириш имконини берди. Бундан ташқари, маҳсулотларимизни сотишни тезлаштириш имконини берадиган дилерлик тармоғи йўлга қўйилди. Илгари битта ётоқхона анжоми 25-30 кунда сотилиб, бошқа моллар омборда узоқ вақт туриб қолган бўлса, айни пайтда биз фақат махсус буюртмалар асосида ишламоқдамиз ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз 5-10 кун ичида сотилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, мазкур дастурни амалга ошириш 2009 йилнинг октябрь ойида бошланган эди. Шу вақт ичида ташкил этилган қатор семинарларда Ўзбекистон саноат корхоналарининг юздан ортиқ вакиллари иштирок этди. Шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Deutsche Kabel AG Tashkent" очиқ акциядорлик жамияти, "Green World", "Carlsberg Uzbekistan", "Nika Pharm", "Decorimex", "Keng Makon" қўшма корхоналарида тежамкор ишлаб чиқариш тажриба тариқасида жорий қилинди.

– Дастлабки натижалар саноат корхоналарининг ишлаб чиқаришни тежамкор бошқаришни жорий этишдан манфаатдорлигини, шунингдек, ушбу соҳада маҳаллий консалтинг-маслаҳат хизматларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатди, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг замонавий минитехнологиялар ва инвестициялар бўлими бошлиғи Саркор Исанбаев. – Айни пайтда кўплаб корхоналар тежамкор ишлаб чиқариш тизимини жорий этишни режалаштирмоқда. Ушбу жараённинг биринчи босқичи ниҳоясига етказилди, бироқ бу борадаги ишлар ҳали давом эттирилади.

Шу боис жорий йилнинг июнь-август ойларида "Кайдзен" соҳасида маҳаллий бизнес-маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича ўқув курси ташкил этилган эди. Савдо-саноат палатаси ва консалтинг компаниялари ходимларидан танлов асосида саралаб олинган тренинг қатнашчилари "Keng Makon" фабрикаси ва "Deutsche Kabel AG Tashkent" очиқ акциядорлик жамиятида ўтказилган назарий ва амалий машғулотлардан иборат курсда ўқитилди ҳамда мамлакатимиз корхоналарида мустақил иш олиб борди. Ўқув курси иштирокчиларига назарий тест имтиҳонлари ва амалий ишлар якуни бўйича сертификатлар берилди. Энди улар "Тежамкор ишлаб чиқариш" бошқарув тизими принципларини жорий қилиш бўйича мустақил равишда консалтинг хизматлари кўрсатиши мумкин.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ГАЗЕТХОНЛАР УЧУН УЧРАШУВ



# МАФТУНИНГМАН, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

Ҳаётимизда ҳар куни бир янгилик. Айтайлик, Ангренда қўшма корхона очилган бўлса, Чорбоғда юқумли касалликлар шифохонаси биносини замонавий лойиҳалар асосида қайта тиклашга киришилди. Чирчиқ ўйингоҳидаги мусобақа якунида яна бир Ўзбекистон чемпиони шоҳсупага кўтарилган бўлса, Гулистон-Оҳангарон автомобиль йўлининг катта бир қисми битказиб қўйилди...

Куни кеча "Тошкент ҳақиқати" таҳририятига чеҳрасида ғайрат-шижоат балқиб турган бир киши кириб келди.

– Шу йил пенсияга чиқдим, – деди Адҳамжон Ҳасанов. – Ўзининг эртанги кунини бунёд этаётган она-Ватанимиз қадамларига монанд бир ишга қўл уришни ўйлаб, Ўзбекистон бўйлаб пиёда сафарга чиқиш, шаҳар ва қишлоқларимиздаги ўзгаришларни ўз кўзларим билан кўриб, ҳамюртларимга мустақиллик бизга бераётган неъматлар, тинч-осуда ҳаётимиз, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар ҳақида гапириб беришга аҳд қилдим. Ўзбекистон мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида биринчи босқич – Тошкент-Наманган-Андижон-Фарғона сафарини якунладим.

**– Адҳамжон, газетхонларимизга ўзингизни таништирсангиз.**

– 1950 йилнинг 1 январида Асака шаҳрида туғилганман. Ота-онадан барвақт етим қолиб, болалар уйларида тарбияландим, мактаб-интернатларда яшаб, ўқидим. Ўн беш ёшимда катта умидлар билан Тошкентга келдим. Ўзбек достончилигига, қўшиқ айтишга қизиқардим. Юрсам ҳам, ўтирсам ҳам, халқимиз севган бахши Рўзимбек Муродовнинг "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам"и қулоқларим остида жаранглаб турарди.

Лекин "кўча боласи"ни мусиқа билим юртига қабул қилишмади. Балоғат ёшига етгунимча қўл урмаган касбим, бош суқмаган эшигим қолмади. Ниҳоят, шофёрликка ўқиб, такси паркида ишлай бошладим.

**– Ўша оғир йиллардан хотирангизда муҳрланиб қолган бирор воқеани эслай оласизми?**

– Бир куни Олой бозори ёнбошида йўловчи кутиб турсам, Рўзимбек Муродов Юнусободга олиб бориб қўйишни сўраб келиб қолдилар. Шу аснодаги ҳолатимни бир тасаввур қилинг. У кишини машинага ўтказиб, йўлга тушдим. Ҳе йўқ, бе йўқ, "Мени шогирдликка оласизми?" деб сўрабман денг. У киши кулиб: "Албатта" дедилар. Кейин анча муддат устоз-шогирд бўлиб юрдик. Мен бу бетакрор санъаткордан тор чалиш маҳоратини, қўшиқ куйлаш йўлларини ўргандим. Бундан ташқари, "Феруз-1", "Феруз-2", "Дилхирож", "Дугоҳ" каби мумтоз қўшиқларни ҳам ўргатдилар. Устоздаги куч-ғайрат, касбга эътиқод, санъатга фидойилик минглаб ёш қўшиқчиларга татийди.

**– Саёҳатингиз қандай бошланди?**

– Бугун ҳар бир фуқаро Ватаним деб, унинг тинчлиги, равнақи, иқболида ўзининг бахтини кўриб яшамоқда. Ўз кучи, иқтидорини унга бағишламоқда. Ҳозиргина айтганимдек, мен шу саёҳат орқали кеча ким бўлганлигимиз-у, бугунги бахтли кунларимиз, юртимиздаги катта-катта ўзгаришларни кўриб, бу ҳақда одамларга гапириб беришни ният қилдим. "Ўзбектуризм" мени қўллаб-қувватлади.

**– Дастлабки таассуротларингиз қандай бўлди?**

– Буни сўз билан ифодалаш мушкул. Биласиз, киши умр бўйи болалик йиллари, ёшлигини қўмсаб, қанчалик оғир кечган бўлмасин, кўнглининг туб-тубида унга бир бора қайтишни орзу қилиб яшайди. Шу маънода бу саёҳат менга ёшликка қайтиш, бугунги ҳаётимизни ўша кунлар билан қиёслаш имконини берди.

Дастлабки таассуротим йўлларга тааллуқли. Бугунги йўлларимиз 60-йиллардаги, мени Тошкентга олиб келган йўлдан минг чандон аъло. Агар йўлларимиз бугунги Ўзбекистонимизнинг юз-кўзига айланибди, десам ишонаверинг. Айниқса, унинг Тошкент-Оҳангарон-Ангрен қисмини бугун мутлақо таниёлмайсиз. Кенг, равон йўлнинг икки бетидаги қишлоқлар, шаҳарлар обод, кўркам. Аҳолига турли хизматлар кўрсатиш корхоналари-чи! Салобатли мактаблар, коллежлар-чи?!

Сафарни 15 август куни эрта тонгда бошладим. Эртасига саҳар маҳали Оҳангаронга кириб бордим. Кун 38-40 даража иссиқ, лекин йўл завқи ҳар қандай қийинчиликлардан устун эди. Ангренда Ришат ака билан Ларисахонимларнинг хонадонида меҳмон бўлдим. Бу оила ўз турмуши, аҳил-иноқ ҳаёти, фарзандлари ўқиб, касб эгаллаб, вояга етишаётгани билан масрур, бахтли.

Яна йўлларга эътиборни қаратмоқчиман. Йўл-йўлакай темирйўлчиларнинг қувончларига шерик бўлдим. Тошкент-Ангрен темирйўлини электрлаштириш тугатилаётган кунлар эди. Станциялардаги ободонлаштириш ишлари ҳаммага манзур бўлмоқда. Йўловчиларга яратилган қулайликларни айтмайсизми?

**– Адҳамжон, қишлоқларимиз қиёфаси ва одамлари ҳаётида қандай ўзгаришлар кўрдингиз?**

– Қорахитой, Ангрендан ўтгач, Четсув, Тангатопди, Кўксарой, Эртошсой қишлоқларида тўхтаб ўтдим. Айрисойга кечки пайт етиб бордим. Ҳамма қишлоққа хос бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман. Бу – одамларимизнинг очиққўнгиллик фазилати. Бир оқшомни Айрисойда ака-ука Ҳасан-Ҳусанлар хонадонида қизғин суҳбат билан ўтказдик. Бу оила тоғ этагида, тошлоқ жойларда 3-4 гектар ерни ўзлаштириб, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланаркан. "Ҳаммаси меҳнатдан, – деди хонадон соҳиби ўз хўжалиги билан таништириб. – Мана шу ариқларни ўзимиз қазидик. Мана бу боғларни кўкартирдик, энди мўл мева бераяпти. Қорамол, қўй-қўзилар учун яйлов кенг. Шундай имкониятлар йўлини очиб берган замонамиздан ўргилай".

Бешкул қишлоғида Қўчқорали ака хонадонида бироз дам олдим. Суҳбатдошларга Оҳангарон, Ангрен шаҳарлари, йўлдаги қишлоқларда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида гапириб бердим.

**– Қамчиқ довонидан қандай ўтдингиз?**

– Пиёда-да (кулиб қўйди). Тоғ йўлидан бораяпман-у, қоя тошларни қўпориб, жар-жилғаларда ноёб сув ўтказгичлар бунёд этиб, бу кенг, равон йўлларни қурган шижоатли қурувчиларимиз меҳнатига тасаннолар айтаман. Чап тоғ ёнбағрида, хийла баландликда гоҳи-гоҳида эски йўл қолдиқлари кўзга ташланиб қолади. У йўллар азобини 60-йиллари Тошкентга тушиб бораётганимда обдон тотиб кўрганман ўзим ҳам. Пастда сойнинг шовуллаши, автомагистралдаги турнақатор машиналар овози, гала-гала қушларнинг чуғурлаши бамисоли хушёқар куйдек эшитилади. Бу оҳанглар кишига руҳ бағишларкан.

Тоғ бағрини ёриб очилган тонеллардан давлат хизматчилари машинада ўтказиб қўйишди.

**– Водийда нималарни кўрдингиз?**

– Қамчиқ довонидан ошиб ўтгач, Жийдалисой сув омбори бўйидаги дала шийпонида бироз дам олдим. "Қаҳрамон" фермер хўжалигида меҳмон бўлдим. 60-йиллари бу томонлар бийдек тошлоқ, дашт эди. Ҳозир қаёққа қараманг, мевазор боғларни кўрасиз. Кенг-кенг далалар кўм-кўк. Йўл бўйларида мева, узум, қовун-тарвуз сероб. Энг муҳими – хушфеъл, сермулозамат, очиққўнгил одамлар.

Умуман, шаҳар ва қишлоқлар ниҳоятда кўркам. Коллежлар, мактабларни кўриб, дилингиз яйрайди. Намангану Андижон, Қувасою Фарғона бугун чинакамига қурилишлар майдонига айланган.

Болалик йилларим ўтган Асакани, очиғи, таниёлмадим. Енгил автомашина ишлаб чиқараётган корхоналарда минг-минг одам меҳнат қилаяпти. Ободончилик ишларига гап йўқ.

**– Ҳали бу сафар чоғида бамисоли болалигимга қайтгандек бўлдим, дедингиз...**

– Чиндан ҳам шундай бўлди. Буни, айниқса, Асакада чуқур ҳис қилдим. Чунки, болалигим ўтган бу шаҳар қиёфаси мутлақо ўзгарган. Фақат болаликдаги дўстларим билан учрашувимгина ўша йилларни эслатди. Ҳаммамиз Тошканбой Эгамбердиев номидаги боғда тўпланиб, кун бўйи мириқиб суҳбатлашдик. Ахир, 45 йилдан кейин учрашдик-да. Мусажон Файзуллаев, Маннобжон Орипов, Маҳмуджон Ниёзов... Бирга ўсган, бирга ўқиган, мустақиллигимиз шарофати билан бугун бахтли яшаётган 13 кишининг шунча йилдан кейинги учрашувини бир тасаввур қилинг! Бири-бирининг меҳрига қонган кишиларнинг шу кунги гап-сўзлари, ширин суҳбати бир умр унутилмайди.

**– Келгуси режаларингиз қандай, Адҳамжон?**

– Биз Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги сари бораяпмиз. Бу мамлакатимиз ҳаётида катта, унутилмас байрам бўлади. Шу муносабат билан мен Зарафшон воҳасига сафар қилмоқчиман. Орзуим – халқимизнинг улкан бунёдкорлик ишларини кўриш, ўзимиз мафтуни бўлган ҳур Ўзбекистонимиз муваффақиятлари ҳақида ҳамюртларимизга гапириб бериш, ҳаётимиздаги янгиликларни оммалаштириш.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
**суҳбатлашди.**

# НАВҚИРОН ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) ҳамкорлигида "Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг профессионаллашуви ва нодавлат телерадиоузатиш бозорининг ривожланиши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги нодавлат телерадиоканалларда фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар билан бирга германиялик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан нодавлат телерадиостанцияларда фаолият кўрсатаётган ижодий, техник ходимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш бўйича муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, ёш журналистлар учун республикамиз ва хорижлик етакчи мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар иштирокида ташкил этилаётган маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлар, ижодий анжуманлар бунинг тасдиғидир.

Давра суҳбати шаклида ўтган ёш журналистлар ўқувида нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари, бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибага оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

XXI аср ва ДУНЁ

## КЕЧИРИМ УЧУН .... ГУРУЧ

Агар Пхеньян "Чхонан" кемаси ҳалокатига оид жавобгарликни тан олиб, айбдорларни жазоласа, Жанубий Корея КХДРга инсонпарварлик ёрдами сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари бериши мумкин.

Agence France-Presse тарқатган хабарга кўра, бирлашиш ишлари бўйича вазир ўринбосари Ом Чжон Сеул КХДРнинг бундай саъй-ҳаракати икки республика ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашнинг муҳим шарти эканлигини айтди.

Сеул 2008 йилгача Шимолий Кореяга йилига инсонпарварлик ёрдами сифатида 400 минг тонна гуруч бериб келган. Жанубий Кореяда ҳокимият тепасига консерватор Ли Мен Бак бошлиқ янги ҳукумат келгач, Сеул ва Пхеньян орасидаги муносабат анча бузилди ва гуруч етказиб бериш тўхтатилди.

Маълумки, 2010 йилнинг мартида Жанубий Кореянинг "Чхонан" кемаси Сариқ денгизда чўкиб кетди. Сеул жавобгарликни Шимолий Кореяга юклади. Халқаро текширувлар ҳам КХДРнинг ҳалокатга алоқаси борлигини тасдиқлади. Жанубий Корея бир неча бор Пхеньяндан кечирим сўрашни талаб қилди, аммо КХДР ўзини айбдор ҳисобламаяпти.

## ТИЛ БИРИКТИРИШ ҚИММАТГА ТУШДИ

Франциянинг 11 та, шу жумладан, бозорлардаги иштироки билан машҳур банкларига маҳаллий антимонополиячилар 384,9 миллион евро жарима солди.

Антимонополиячиларнинг маълумотларига қараганда, молия ташкилотлари банк чекларини тайёрлашга жалб этилган комиссиялар билан ўзаро тил бириктирган. Натижада мижозлар 220 миллион евро зарар кўрди. Бу зарар юзага келишига сабаб шуки, банклар чекларни электрон усулда тайёрлашга ўтишда битта банклараро тарифни 4,3 евроцент қилиб белгилади. 2002 йилда шундай қилинганди. 2007 йилда тариф нулга туширилди, дея таъкидланади Agence France-Presse хабарида.

Банкларнинг жаримага қандай муносабат билдирганлари ҳозирча номаълум.

НИГОҲ

# МУТААССИБНИНГ ДАРДИ – ТЕКИН ЛУҚМА

**Бугунги Тожикистон бизнинг кўз ўнгимизда жадаллик билан диний экстремизм мамлакатига айланиб бормоқда. Келишув битимидан (1997 йил) сўнг орадан шунча вақт ўтганига қарамай, республика саноати тикланмади. Ҳар йили юз бериб турган табиий бўҳронлар аграр сектор ҳамда аҳолини ижтимоий таъминлашга катта зарар етказмоқда.**

Умумжаҳон молия-иқтисодий инқирози ва давлатнинг ўз фуқароларини муҳофаза қила олмаётгани шунга олиб келдики, умидсизликка тушган тожикистонликлар республика президентидан ҳеч қандай ёрдам кўролмагач, нажотни Аллоҳдан изламоқдалар. Имомали Раҳмоннинг ўзи ҳам чорасизликдан ҳар ишга қўл уриб кўрмоқда. Аммо бу саъй-ҳаракатларда изчиллик бўлмаяпти. Ҳатто, Марказий Осиёда энг катта масжид қуриш учун жой ҳам ажратди. Ҳозир мамлакатда масжидлар шу даражада кўпайиб кетганки, буни ҳеч қандай баҳонаю сабаб билан оқлаб бўлмайди. Хавотирлиси шундаки, бу масжидларда муллалар ҳар хил шубҳали тариқатлар ҳақида воизлик қилмоқдалар. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Қуръон оятларини ўз билганларича талқин этмоқдалар.

Аҳолини ҳужраларда ўқитиш оммавий тус олиб, кенг ёйила бошлади. Ертўлалардаги бундай хуфия машғулотларда ислом ақидалари ўқитилиб, мусулмончилик илми бир томонлама, тўғрироғи экстремизм руҳида уқдирилмоқда.

Айниқса, Тожикистон шимолидаги Ашт туманида диний экстремизм руҳидаги "жиҳод" оқими кучайгандан-кучаймоқда. Бу ерда исломий сабр-қаноат ўрнига тажовузкорликни тарғиб қилишаяпти. Диний оқим тарафдорлари амалдаги тузумни ағдариб ташлаш ва республикани ислом давлатига айлантиришга даъват этмоқдалар.

Сўғд вилоятининг Спитамен туманида назарий билимлардан ташқари қўл жанги усулларини қўллаш ҳамда совуқ қуролларни ишлатишга ўргатилмоқда. Мушук текинга офтобга чиқмайди, деганларидек, қабиҳ ишлар салмоқли молиявий базага эга. Хўш, бу пуллар республикага қаердан ва нима мақсадларда оқиб келаяпти? "Ўзларини кўрсатган" ўқувчилар Эрон ва Покистонга билимларини чуқурлаштириш учун юборилаяпти. Буларни у ерда боғбонликка ўқитишмаса керак ахир.

Диний мутаассиблик нафақат оддий аҳоли, балки ҳарбий хизматчилар орасида ҳам яққол кузатилмоқда. Ашт туманидаги 2454-ҳарбий қисм штаби бошлиғи майор Мирзодавлат Усмоновнинг ижтимоий келиб чиқиши чуқур диний илдизга эга. У қандайдир шайхлар сулоласининг думи. Беш вақт намозни канда қилмайди. Бошқа барча диний амалларга ҳам оғишмай риоя этади. Бунинг устига ўзининг чегара заставаси аскарлари билан диний мавзуларда суҳбатлар қуриб, ўз қарашларини тарғиб этади.

Ҳарбий раҳбар шу даражага етдики, шартномачи аскар ва муддатли хизматни ўтаётган ҳарбийларни бир ой канда қилмай, рўза тутишга мажбур қилади. Жума кунлари уларни сафга тизиб, масжидга олиб боради.

Даъватчи бу чегарачи-майор маҳаллий аҳоли ўртасида "Ислом жиҳоди" номи билан машҳур диний-экстремистик оқимнинг ашаддий тарафдори Абдурайим Дўстов билан яқин алоқада. Эрон ва Покистон давлатларига тез-тез бориб-келиб туради.

Шу даражада диний мутаассиб бўлишига қарамай майор М. Усмонов ўзининг хизмат вазифаларидан ташқари белини оғритмай даромад топишдан ҳам ҳазар қилмайди. Чунончи, хизмат мансабидан фойдаланиб, майор погонидаги дин ҳимоячиси контрабандачиларга халоскорлик қилиб, мўмайгина ҳақ олиб туради.

Таъмагир майор мамлакатдан қўшни Ўзбекистонга яширинча сигарета етказиб бериш билан шуғулланадиган муттаҳам кимсадан 500 АҚШ доллари олади. Афтидан, у тарғиб қилаётган ахлоқ-одоб тамойиллари бундай ҳаром-харижларни ҳазм қилаверса керак-да.

**Георгий ТИШКОВ.**
tajmigrant.com

## ТАЙВАНДА ТЎФОН ХУРУЖИ

Тайванда юз берган кучли тўфон 170 минг аҳолини электр қувватидан маҳрум қилди. Associated Press агентлиги маҳаллий энергетика компанияси маълумотларига таяниб шу хабарни тарқатди.

"Фанапи" дея номланган тўфон чоғида шамолнинг тезлиги ороллнинг айрим қисмларида соатига 162 километрга етган. 25 та автотрасса ёпилиб қолди. Мамлакат жанубидаги Гаосюн аэропортида халқаро парвозлар тўхтатилди. Шарқдаги Хуален шаҳрида кўчки юз берди. Метеорология бюроси мамлакат шимолида тўфон туфайли 619 миллиметр ёғин ёққанлигини маълум қилди.

Маҳаллий фавқулодда вазиятлар маркази хабарига кўра, табиий офатдан 45 киши жабрланди. Ер кўчкиси хавфи туфайли мамлакатнинг олис туманларида 6 минг аҳоли эвакуация қилинди.

Тайванда бошланган тўфон Хитой қирғоқларига яқинлашмасидан илгари мамлакат маъмурлари шарқий Фунцзянь музофотида 180 мингдан зиёд аҳолини ҳавфсиз жойга кўчиришга улгурди.

## БУ ҲАМ АЛ-ҚОИДАНИНГ ИШИМИ?

Бағдодда содир этилган иккита кучли портлаш оқибатида камида 21 киши ҳалок бўлди, дейилади Associated Press агентлиги Ироқ армияси генерали Али Фатал сўзларига таяниб тарқатган хабарда.

Ўлганлар орасида икки полициячи ҳам бор. Агентликнинг суҳбатдоши жабрланганларнинг аниқ сонини айтмади. Бироқ, Ироқ ҳукумати портлаш чоғида юзга яқин киши жароҳатланганини маълум қилган эди.

Ҳали бирорта ташкилот қўпорувчилик учун жавобгарликни бўйнига олгани йўқ. Кўп ҳолларда ал-Қоиданинг маҳаллий уяси террорчилик ҳаракати ташкилотчиси эканлигини эълон қиларди.

Бундан икки-уч кун аввал террорчи-маҳкум Ироқ армияси чақирув маркази ёнида ўзини портлатиб юборганда 41 киши ҳалок бўлиб, 212 киши жабрланганди. Ўшанда ҳам бу хунрезлик учун жавобгарликни ҳеч ким ўз зиммасига олмаган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 28.06.2010 йилдаги № 11-1028/9542-сон ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўка тумани, Бўка шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 7-уйда жойлашган умумий ер майдони 1486,39 кв.м. дан иборат қурилиш майдони 914.км бўлган Осиё тўйхонаси биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 100 000 000 сўм.

1. Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан 24.08.2009 йилдаги № 8609-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган 1978 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. 10 О 423 ВА бўлган "ВАЗ 2101" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 1 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларининг такрорий савдоси 2010 йилнинг 11 ноябрь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2010 йил 7 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда:

1. Чилонзор тумани СИБ томонидан 02.03.2010 йилдаги № 9245/22-сон ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кўчаси, 10-сонли жарима майдончасида сақланаётган 1994 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгисиз бўлган "ДЭУ РЕЙСЕР" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи – 5 733 088 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.**
**Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.**

**Лицензия: DB 001 №000003**

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# УВАКЛИК БУЮК СИЙМО

**Қуюқ боғлар, жилдираган тоғ жилғалари оғушидаги бу қишлоқ увоққина бўлса-да, буюк ва кўҳна тарихнинг кўп сир-синоатини бағрига яшира олган. Увакота номи билан аталувчи бу гўзал қишлоқ кишилари Оҳангарон воҳасидаги юзлаб замонавий қишлоқлар аҳолиси қаторида яратиш, ободонлаштириш орзу-умидлари билан масрур ҳаёт кечирмоқда.**

Бир вақтлар бу ерлик одамлар табиий офатлардан безиб, паст текисликлар томон кетдилар, уйлар қуриб, жойлашиб, бола-чақа қилиб, тинч яшай бошладилар. Бироқ "кўз очиб кўрган" она қишлоқларини унутишолмади. Илк Ватан соғинчи уларга тинчлик бермай қўйди, қишин-ёзин Увакни қўмсаб яшадилар.

Охир-оқибат она ер меҳри ўз кучини кўрсатди. Ўтган асрда Қизилолмасой яқинидаги гўзал қишлоқни ташлаб кетган одамларнинг болалари, невара-эваралари бу ерларга қайтиб келишди. Эндиликда қишлоқ ерлари еттита булоқдан сув ичаяпти. Қишлоқ ёнида мўъжазгина уй бор. Нақл қилишларича, авлиё Увакота шу ерга дафн этилган экан.

Унинг тўлиқ исми – Убайдулла ота. Айтишларича, у буюк шайх Сулаймон Боқирғонийнинг муриди бўлган. Аҳмад Яссавийнинг содиқ шогирди ҳисобланувчи Боқирғоний кейинчалик Яссавий таълимотининг давомчисига айланган.

Ривоят қилишларича, кунларнинг бирида Яссавий Сулаймон Боқирғонийни муқим яшашга жой топиши учун оқ туя ортидан жўнатади. Туя Хоразм юртида тўхтайди. Боқирғоний ҳам шу ўлкада яшаб қолиб, сўфийликнинг буюк намоёндаларидан бирига айланади.

Сулаймон Боқирғонийнинг шогирдлари сафида Убайдулла ота ҳам бор эди. У ер, сув, дов-дарахт тилини биларди. Устози унга буюрди: "Шош томонга, Илоқ мамлакатига бор. Роппа-роса ўттиз кунда улкан оқ тошлар макон топган ерга етиб келасан. Ўша сенинг жойинг".

Ўттиз кундан сўнг Убайдулла ота улкан тошлар маконига етиб келди ва шу ерда яшаб қолди.

Нақл қилишларича, Убайдулла ота қишлоққа келиб ўрнашган кундан бошлаб, бу ерда еттита янги булоқ кўз очди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос шифобахшлик хусусиятига эга эди. Биттаси "Фарзанд бергувчи" ёки "Аёл булоғи" деб аталади. Фарзандга зор аёл қўлини шу булоқ сувига тиқиб, бармоқлари орасидан етти оқимни ўтказса, илтижоси ижобат бўлар эмиш. Шундан бўлса керак, бу амални бажарган аёллар Она бўлиш умиди рамзи сифатида қандайдир буюмни эсдалик учун қолдиришади.

Авлиё Убайдулла отанинг қабрини одамлар азалдан эъзозлаб келишади. Ҳатто, энг нотинч, ғалағовур даврларда ҳам, табиий офат чоғларида ҳам бу муқаддас жойларни муҳофаза қилувчилар кўп бўлган.

Ҳақиқатан ҳам бу жойлар жаннатга қиёс қилгулик даражада гўзал ва мафтункор. Биллурдай мусаффо сув, тоза, енгил ҳаво, бежирим аммо, қуюқ боғ. Бу гўзал манзарага мафтун бўлган ҳар бир киши уни табиатнинг фавқулодда хуружларидан авайлаб-асрашнинг ўзи бўлмаса керак, деган фикрни хаёлидан ўтказса ажаб эмас.

Увакотадан оппоқ тош йўл бошланади. Кексалар бу оқ йўл Қизилолмасойни кесиб ўтиб, Оҳангарон кенгликларида илондай ўрлаб, Арашон бобогача етиб боради, дейишади. Бу ердаги тоғларнинг юраги бўлмиш Арашонга элтувчи шу оппоқ йўлни ёлғиз ва пиёда босиб ўтишга жазм этувчи довюраклар ҳам йўқ эмас.

Қачонлардир, миллион йиллар илгари бу ерда денгиз бўлган. Ҳозир эса чиғаноқлар, маржон бўлаклари ва баҳайбат ҳайвонларнинг тошга айланган, пўпанак босган қолдиқларини кўплаб учратиш мумкин.

Чўққидаги улкан, баҳайбат тошларни гўё кимлардир яхшилаб тарашлаб, тепага олиб чиқиб қўйгандек. Мазкур тош қотган тарих бўлаклари ҳам қанчадан-қанча сир-синоатларни ўз тагида босиб ётибди. Атрофларини "тош дарахт" – қатранғилар қоплаган. Бу ерларга дардларига даво истаб кимлар келмаган дейсиз.

Энг муҳими, маҳаллий аҳоли аждодларимиздан мерос қолган, Увакота номи билан аталувчи бу тарихий жойларни авайлаб-асраб, гуллатиб-яшнатишмоқда. Қатранғи дарахтларининг янги ниҳоллари барқ уриб ривожланмоқда.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси.**

СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ / СПОРТ

# «МЕНИНГ ОИЛАМ ҲАМДА МАҲАЛЛАМ – СПОРТЧИ»

**Оҳангарон туманида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Менинг оилам ҳамда маҳаллам спортчи" шиори остида ўзига хос тадбир бўлиб ўтди. Унда қишлоқ фуқаролари ва оилалар бокс, кураш, волейбол, футбол, мини футбол, баскетбол, қўл тўпи, шахмат-шашка, стол тенниси, енгил атлетика ҳамда бадиий гимнастика спорт турлари бўйича туман ҳокимлигининг соврини учун ўзаро беллашдилар.**

Футбол жамоаларининг финал учрашуви жуда қизиқарли ўтди. Унда "Қорахитой" ҳамда "Телов" қишлоқ фуқаролар йиғинлари жамоалари учрашишди.

Беллашувда "Телов"ни 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратган "Қорахитой" жамоаси туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғаси ва кубогини қўлга киритди. Учинчи ўринни "Ҳокимият" футбол жамоаси эгаллади.

Аёллар ўртасида бўлиб ўтган волейбол мусобақалари ҳам қизғин кечди. Унда биринчи ўринни "Ҳокимият" жамоаси хотин-қизлари қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин "Қорахитой" жамоасига, учинчи ўрин эса "Тут" жамоасига насиб этди.

Боксчилар беллашувида 50 кг. вазнлилар ўртасида Нуробод касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шоҳруҳ Жониқулов учинчи, Ялпоқтепа маҳалласидан Ўткир Солиқулов иккинчи, Қорахитойдан Муҳаммад Турдибоев биринчи ўринни қўлга киритди.

Шу тариқа умумий ҳисобда 10 та олтин, 6 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритган Қорахитой қишлоғи спортчилари бош соврин эгаси бўлишди.

– Биз туманимизда бундай кенг кўламдаги спорт мусобақасини биринчи марта ўтказмоқдамиз, – дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Ҳасан Тоиров. – Беллашувлар дастлаб маҳаллаларда, ўқув масканларида, сўнгра қишлоқларда ташкил этилди. Мана энди унинг финал босқичи туманимизнинг бош спорт мажмуасида якунига етди. Энг муҳими, ҳудудимизда спорт билан шуғулланувчи фуқаролар ва оилалар сафи янада кенгайди. Биз келгусида ҳам бундай спорт байрамларини мунтазам ўтказиб боришни режалаштиряпмиз.

Ғолибликни қўлига киритган оила ва жамоаларга туман ҳокимлиги, шунингдек, маданият ва спорт ишлари бўлими, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# «САБРЛАРДАН ТОҒ ЯРАТИБ...»

**Вилоятимизда ўткир қалами, теран мушоҳадаси, баракали ҳаёт тажрибаси билан эл оғзига тушган устозлар, уларга ҳавас билан боқиб, ижодлари намуналаридан сабоқ олаётган ҳаваскорлар бисёр. Муҳаббатхон Абдуқодировани болалигидан бадиий адабиётнинг, шеъриятнинг шайдоси дейишади. У мактаб ёшиданоқ турли китобларни севиб мутолаа қилар, ўқиган эртак, ҳикояларини ўртоқларига сўзлаб беришни хуш кўрарди. Кейинчалик ўзи ҳам шеър, ҳикоялар ёзиб, ўқитувчилари, тенгдошлари назарига тушди. Уларнинг эътирофи Муҳаббатхонга илҳом бағишлагани шубҳасиз.**

Мана, орадан йиллар ўтиб, эътибор ва эътироф ниҳоли куртак тугиб, барг ёзди, дурустгина мева ҳам бера бошлади. Дастлабки тўплам "Мен сизни дедим" дея номланган бўлса, навбатдаги ижодий машқлари "Сабрлардан тоғ яратдим" дея аталган китобга жойланди. Истиқлол, Ватан, ота-она ва фарзанд меҳри акс этган шеърлари, ҳаёт қувончлари ва ташвишлари, турмуш сабоқларидан сўзлагувчи ҳикоялари ўз мухлисларини топди.

Тўғри, муаллиф шоирликка ёки ёзувчиликка даъво қилмайди. Зеро, ҳар ишнинг ўз устаси бўлади. Лекин, табиатан тиришқоқ, зийрак қаламкашнинг дарду қувончи, орзу ҳаваси ифодаланган сатрлар муаллифнинг кўнгил мулкига айланган:

*...Гўзал ташбеҳлардан*
*йироқман, аммо*
*Кўнгиллар яйрайди*
*кўриб камолинг.*
*Машҳур этган Ибн Синони*
*ҳатто*
*Гиёҳларинг бебаҳо,*
*азиз Ватаним.*

Ёки:

*Саҳарлаб қўлига супурги*
*олган,*
*Келинчак юзидир обод*
*маҳалла.*
*Дуоға қўл очган нуроний*
*ота –*
*Оналар сўзидир обод*
*маҳалла.*

Айниқса, аёллик оламининг турфа сир-синоатлари, қувончу ташвишларини оналик, опа-сингил, яқин дугона, севимли ёр сифатида қалбан ҳис этиш, уларга ҳамдард бўла олиш маъносида "Онам", "Аёл", "Эъзоз", "Кўнглим", "Андиша" каби шеърий машқларини эътироф этиш мумкин:

*...Бегойимсан – бегинг*
*кўнглин овлаган,*
*Онадирсан – фарзанд*
*бахтин кўзлаган.*
*Набиралар бошин силаб,*
*бахтин тилаган*
*Жигарларга жонинг фидо*
*сен Аёл*

*Маъсума чеҳрангни*
*чулғаса қайғу,*
*Ғунча лабларингни тарк*
*этса кулгу,*
*Ҳануз тинч қўймаса ишқ*
*отлиғ туйғу,*
*Мажнунтолдай бошинг*
*эгарсан, Аёл.*

*Ўкинма бевафо дунё*
*зарбидан,*
*Эзилма ўткинчи ҳаёт*
*жабридан.*
*Улкан минор ярат Аёл*
*сабридан*
*Бир кун саодатга*
*етарсан, Аёл.*

Муҳими, лоқайдликдан йироқ қалб туғёнлари сатрларга кўчганда, ҳаёт синовлари, жумбоқлари кўз олдингизда турфа рангда товланади.

"Ҳаёт давом этади", "Биринчи савдо", "Тақдир йўллари", "Аросат", "Кўрмаганнинг кўргани қурсин" каби ҳикояларида акс эттирилган воқеалар, ҳаёт ҳақиқатлари ўқувчини мушоҳадага чорлайди. Бойлик кўзини кўр қилиб қўйган, тўқликка шўхлик қилаётган нокас бандаларни инсофу диёнатга, борига қаноат қилмай, қинғир ишларга қўл ураётган ношукр кимсаларни огоҳликка даъват этаётгандек бўлади гўё. Тўғри, айрим шеър, ҳикояларда қиёмига етмаган баён ва тасвирлар, жанр жиҳатидан номукаммаллик сезилиб турадиган нуқсонлар ҳам йўқ эмас китобда. Лекин, муаллиф ибораси билан айтганда:

*"Сенингчи, ҳаётинг*
*олдинда ҳали,*
*Боғингда гул-райҳон яшнар*
*маҳали.*
*Кураш бу мардларнинг*
*жону жадали*
*Мевали дарахтга*
*тегаверар тош".*

Айнан, ижод дарахтининг мевалари сархил, безавол, хуштаъм бўлиши учун эса муаллифнинг ўз сўзлари билан айтганда ижод машаққатларига тоқат қилиб, "сабрлардан тоғлар яратиб" меҳнат қилиш, изланиш, интилиш зарур бўлади. Бу йўлда Муҳаббатхоннинг азму шижоатига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Зеро, унинг 2010 йилда вилоятимиз иқтидорли қаламкашларининг "Энг улуғ, энг азиз" танловида совринли ўринлардан бирига сазовор бўлганлиги фикримиз исботидир.

**Сайёра РИХСИЕВА.**



# ТОЛИБ ҲУНАРМАНДНИНГ ЎЙИНЧОҒИ

*Ҳунарли киши хор бўлмас, дейишади. Ўртачирчиқлик Толиб Майилов ҳунармандчиликнинг этагидан тутгандан бери шу нақлни тилдан қўймайди. Чунки, унинг косаси оқариши ҳам, тумандагилар олдида обрў қозониши ҳам шу ҳунари ортидан.*

**СУРАТДА:** Толиб Майилов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Олий табақа футбол жамоалари 20-тур ўйинларини ўтказди. Марказий учрашув Фарғонада бўлиб ўтди. "Нефтчи" чемпионат пешқадами "Бунёдкор"ни қабул қилди. 35-дақиқада Темур Копадзе, 60 ва 90-дақиқаларда А. Ражабов киритган голлар "Бунёдкор"нинг 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.**

## УЙДА ҒАЛАБА, САФАРДА МАҒЛУБИЯТ

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг "Металлург" жамоаси ўз майдонида Муборакнинг "Машъал" футболчилари билан учрашди. Шуҳрат Йўлдошев киритган ягона гол ўйин тақдирини ҳал қилиб, "Металлург"га ғалаба келтирди.

Вилоятимизнинг яна бир жамоаси "Олмалиқ" сафарда Ғузорнинг "Шўртан" жамоаси билан майдонга тушди ва 3:5 ҳисобида мағлубиятга учради.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Пахтакор" – "Хоразм" 3:0,
"Қизилқум" – "Динамо" 3:1,
"Локомотив" – "Андижон" 2:0,
"Насаф" – "Навбаҳор" 1:0.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 25 сентябрь куни бўлиб ўтади.

# ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК

**Вилоят оғир атлетика федерацияси сўнгги 3 йилда катта ютуқларга эришди. Бугунги кунда Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Чиноз, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларида 150 дан ортиқ оғир атлетикачи бўлиб, уларнинг 30 фоизи қизлардир. Ангренлик Кристина Ведилова, Лилия Багоуддинова, Екатерина Якимова Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидир. Уларга Мунлук Аходилов мураббийлик қилаяпти.**

Республика терма жамоаси ёш спортчилари вилоятнинг Чорвоқ шаҳарчасида шу йил ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларига ҳозирлик кўришмоқда. Осиё ўйинларида 1995-1996 йилларда туғилган Хуршид Рихсимов, Дмитрий Финицкий, Дмитрий Ермаков каби ёшлар иштирок этишади.

Бундан ташқари, катталар терма жамоаси Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи спорт залида сентябрь ойида Туркияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўришмоқда. Мусобақада Ўзбекистондан 9 спортчи қатнашади. Шулардан 4 нафари вилоятимиз шарафини ҳимоя қиладиган Руслан Макаров, Руслан Актанов, Шерзод Юсупов ва Иван Ефремовдир. Улар 2012 йилда Англия пойтахти Лондонда бўладиган Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб борадилар.

**Шоҳруҳ ҲАКИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

ННО "Friendship Force International", зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан, расположенное по адресу: ул. Узбекистанская, 49-А, (ИНН 203842207, ОКПО 18412482),

**ЛИКВИДРУЕТСЯ**

(протокол собрания № 6 от 20.09.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 188-40-89.




БУ – ҚИЗИҚ

## ЧОЙДА ИНСУЛИН БОРМИ?

Шотландиялик олимлар қора чой қандли диабетга чалинган беморларга ижобий таъсир қилишини аниқлади. Бундай чойнинг таркибидаги полифенол моддаси инсулин ўрнини босар экан. Шифокор Эндрю Кейснинг айтишича, мунтазам қора чой истеъмол қилиш инсон организмида қандли диабет хасталиги ривожланишига қарши иммунитет ҳосил қилади.

## ҚУДДУСДАГИ НОЁБ ТОПИЛМА

Қуддус ғарбида археологлар қадимий заргарлик буюмлари ва қурол-аслаҳалар топишди. Қимматбаҳо тошлар ва марварид билан безатилган зумрад кўзли билагузук топилмалар орасида энг бебаҳоси.

Мутахассисларнинг айтишича, эрамиздан аввалги бешинчи асрга оид ноёб билагузукка ўхшаш тилла буюмлар ўша даврда римлик зодагон аёллар орасида кенг тарқалган.

**ЎзА.**

**Табиий тошдан гранит плиталар ишлаб чиқарувчи "Gazalkent granite" МЧЖ корхонаси сотилади.**

*Манзил: Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Чирчиқ кўчаси, 1-а.*

*Мурожаат учун телефон: (8-371) 150-36-72, (+998-97) 771-30-16.*

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат унитар корхонаси томонидан жисмоний шахс Норов Садридин номига расмийлаштирилган 11-229/2010 реестр рақамли, Миробод тумани, А. Фитрат кўчаси, 5-А уй манзилида жойлашган дорихона биносига, 4-743/2006 реестр рақам билан расмийлаштирилган Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган ошхона биносига ҳамда 4-378/2005 реестр рақам билан расмийлаштирилган Ҳамза тумани, Лисунов 1-даҳа, 20-уй, 73-хонадон манзилида жойлашган дорихона биносига тегишли бўлган маълумотномалар йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "POLIGRAF TRADE", расположенный по адресу: г. Ташкент, ул. Зиёлилар, д. 6, зарегистрированное в хокимияте Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента за № 0035404-04, ИНН 300697612, сообщает об уменьшении уставного фонда с 101 660 000 сум до по 71 960 000 сум.

Утерянный план квартиры, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Янги Қўйлик (Олимбекова) дом 3, кв. 145, выданный БТИ Мирабадского района на имя Гриценко Алексея Ивановича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Общество с ограниченной ответственностью "AGAPE SERVIS" (ИНН 206986045) Мирзо Улугбекского района г. Ташкента сообщает об изменении формы собственности и реорганизации с переходом всех прав и обязательств с ООО "AGAPE SERVIS" к ЧП "AGAPE SERVIS". Тел.: 409-65-92.

Утерянный устав и свидетельство бухгалтерских документов ТЧСЖ "MUQADDAS DO`STLIK KOMMUNAL", зарегистрированные отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Учтепа тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 15.04.2008йилда № 002135-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 300805001) "MANSTERA HAUSE" хусусий корхонасининг устав фонди 1 524 918 000 сўмдан 1 498 240 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный гос. ордер № 06-01/5064 от 23.01.93г. права собственности на квартиру Тарутиной Натальи Григорьевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "FIDELITY SOLUTIONS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района № 004553-11 от 19.05.2009г. (ИНН 301191894),

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителя № 5 от 20.09.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Бабура, 73-А или по тел.: 443-27-78.

ООО "AFRO`Z-REKORDS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимиятом Хамзинского района г. Ташкента № 000730-071 от 03.08.2005г., расположенное по адресу: ул. Лисунова, д. 4, (ИНН 205769710, ОКОНХ 93180),

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания учредителей № 3 от 21.09.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования указанного объявления.

Частное предприятие "TEXNO-SOFT" в связи со сменой организационно-правовой формы собственности извещает, что все обязательства и права ЧП "TEXNO-SOFT" переходят к обществу с ограниченной ответственностью "TEXNO-SOFT". Уставной фонд устанавливается в размере 60 млн. сум.

Все претензии принимаются в течение 1-го месяца со дня опубликования объявления по тел.: (99871) 276-49-24, 230-50-20.

Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "MUXTORXUJA SAVDO" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MUXTORXUJA SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади. Тел.: 488-35-22.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
**Абулфайз САИДАСҚАРОВ**

Навбатчи
**Хуршида ТУРСУНБОЕВА**

Саҳифаловчи
**Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. Адади 5759. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5